

Саудия Арабистони элчиси билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳокама қилинди



23:13 / 23.12.2025 764

Бугун, 23 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги элчиси Юсуф ал-Утайбийни қабул қилдилар.

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ва Саудия Арабистони алоқалари тарихий даврга қадам қўйгани, айниқса, мана шундай илиқ муносабатлар натижасида олий даражадаги мулоқотлар, ташрифлар, келишувлар амалга оширилгани, кўп қиррали ҳамкорлик ва кенг кўламли шериклик

кенгайгани, шунингдек, қўшма корхоналар сони ортгани ва икки давлат ўртасидаги авиақатновлар кўпайгани таъкидланди.

Айниқса, диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани, хусусан, ҳаж ва умра тадбирлари намунали тарзда ташкил этилаётгани, кенг кўламли хайрия тадбирлари ва ижтимоий лойиҳалар муваффақиятли йўлга қўйилгани, халқаро анжуман ва кўргазмаларда икки томонлама фаол иштирок ва ҳамкорлик қилинаётгани каби жиҳатларга урғу қаратилди.

Томонлар ҳаж-умра, зиёрат туризми, илмий-тадқиқот, тажриба алмашиш ва диний-маърифий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар.